ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ТОШҚИН, СЕЛ ОҚИМЛАРИНИ ОҚИЗИБ ЮБОРИШ ВА КЎЧКИ ҲОДИСАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ҲАЛОКАТЛИ ОҚИБАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

6. Одамларни кўчки ва сел босадиган зоналардан кўчириш, аҳолини хавфсиз жойларга ўз вақтида эвакуация қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси деб ҳисоблансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисидан, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимларидан, вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар раҳбарларидан объектларнинг ҳудудий ва баланс бўйича мансублигига кўра апрель-май ойларида ўз маблағлари ҳисобидан кўчки ва сел-тошқин ҳодисаларининг ҳалокатли оқибатларининг олдини олиш билан боғлиқ барча ишлар ва тадбирларни бажариш талаб этилсин. Зарурат бўлганда ҳаражатларни қисман қоплаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилсин.

«Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вилоятлар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда аҳолини хавфли зоналардан босқичма-босқич кўчириш учун республика бюджетидан маблағ ажратиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсинлар.

Сув омборларининг иш режими учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги зиммасига юклатилганлигини назарда тутиб, ҳокимликларнинг сел оқимлари тўпланадиган жойлар ва сув омборларида сувни тўплаш ҳамда уни чиқариб юбориш жараёнларига аралашишларига йўл қўйилмасин.

7. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари халқ хўжалиги объектларини ҳамда уй-жойларни жойлаштиришда Давлат геология қўмитаси органлари ва Ўзбекистон Давлат муҳандислик-техникавий изланишлар институтининг лойиҳалаш ташкилотлари тавсия ва кўрсатмаларига оғишмай риоя қилсинлар.

8. Фанлар академиясининг сейсмология институти иншоотлар механикаси ва зилзила бардошлилиги институти ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда халқ хўжалиги объектлари ва уй-жой қурилишини лойиҳалаш ҳамда қуриш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва 1994 йилнинг иккинчи ярмида ҳукуматга киритсин, бунда қурилишни эҳтимол тутилган хавфли зоналарда жойлаштиришда уларнинг зарур ҳимоя қилиниши ва чидамлилиги назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гидрометеорология бош бошқармаси:

Кутилаётган иқлимий вазиятларга доир янада аниқроқ маълумот олиш учун илмий-техника тараққиётининг замонавий ютуқларидан ва жаҳон тажрибасидан кенг фойдалансин;

Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Давлат геология қўмитаси, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда вилоятлар ва туманлар ҳокимликларини ҳамда аҳолини республика ҳудудида кутилаётган сел, тошқин ва кўчки ҳодисаларидан ўз вақтида хабардор қилсин.

Ўн кун муддатда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ва Мудофаа вазирлиги билан биргаликда тошганда катта хавф туғдирадиган ўз-ўзидан ҳосил бўладиган кўл ва бошқа сув манбаларини текшириб чиқсин ҳамда эҳтимол тутилган ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш учун уларнинг ҳолати устидан назоратни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хавфли жойлардаги Халқ хўжалиги объектлари ва аҳолини электр энергияси, газ ва ёқилғи билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ҳамда амалга оширсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хавфли зонадан вақтинча кўчирилган аҳолига хизмат кўрсатиш учун тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларини зарур миқдорда зудлик билан ташкил қилсин, уларни зарур асбоб-анжомлар ва дори-дармонлар билан таъминласин.

Доимий яшаш учун кўчирилган жойларда зарур даражада тиббий хизмат ташкил этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳалокатли ҳодисалар зонасидаги ҳудудлар ҳамда у ердаги вақтинча хавфсиз жойга кўчирилган фуқароларнинг иморатлари ва мол-мулкининг қўриқланишини таъминласин.

13. Молия вазирлиги, «Ўздавсуғурта»:

Хавфли туманлардаги аҳолининг фавқулодда вазиятлар юзага келиши ҳодисасидан мажбурий суғурта қилиш тизими билан қамраб олинишини таъминласинлар;

Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда кўчки, сел-тошқин зоналарида иморатлар, шахсий мол-мулк ва чорва молларини, шу жумладан, боғдорчилик-полизчилик хўжаликларини қонунчиликка мувофиқ суғурта қилсинлар;

Рақобат асосидаги қўшимча суғурта органлари ташкил этиш масаласини кўриб чиқсинлар.

14. «Ўздавтелерадио» компанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги:

Фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар тўғрисида республика аҳолиси ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб борсинлар;

Мудофаа вазирлигининг фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда аҳоли ўртасида фавқулодда вазиятлар пайдо бўлган зоналарда кишиларнинг биринчи навбатдаги хатти-ҳаракатлари тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фавқулодда вазиятлар бўйича комиссияси БМТ томонидан эълон қилинган табиий офатлар хавфини камайтириш халқаро ўн йиллиги доирасида халқаро тажриба ва ўзаро ёрдамдан фойдаланиш мақсадида БМТнинг инсонпарварлик ташкилотлари билан кенг ҳамкорлик қилсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 12 апрель.

# ҲАР БИР ИНСОН ҲАЁТИ УЧУН ЖАВОБГАРМИЗ

**(Боши 1-бетда).**

Бизнинг тақдиримиз, ҳаётимиз, иқтисодимиз табиат билан, об-ҳаво шароити билан чамбарчас боғлиқ, дея таъкидлади Ислом Каримов. Оддий пахта масаласини олиб кўрайлик. Пахта — иқтисодиётимиз асоси, ризқ-рўзимиз экани ҳеч кимга сир эмас. Мана, чигит экиш мавсуми бошланди. Шу пайтда Гидрометеорология маркази мутахассислари бу ишни амалга оширишнинг энг қулай вақтларини тавсия этишлари, ўз башоратларининг нечоғли тўғри эканига жавоб беришлари керак. Чунки чигитни экиб қўйиб, кейин уни жала ювиб кетиб, яна қайта экавериш-дан ҳеч қандай наф йўқ. Ҳозир қишлоқ хўжалиги тасарруфидаги 300 дан зиёд об-ҳавони кузатиш нуқтаси тугатиб юборилгани айтилди. Уларни дарҳол тиклаш керак. «Хасис одам — икки баравар кўп тўлайди» деган мақол бор. Миллион сўмимни тежайман деб, охир-оқибатда миллиардлаб зарар кўриш, ёки, аксинча, вақтида сарфланган маблағ кейинчалик минг бора кўп фойда келтириши мумкин.

Халқда «ҳар эҳтимолга қарши» деган теран маъноли гап бор, деди Президент. Бу рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай мушкилотнинг чорасини кўриб қўй, кейин қийин аҳволга тушиб қолма, дегани. Биз учун инсон ҳаёти — энг азиздир. Ҳеч нарса — на демократия, на ислоҳот битта гўдакнинг бевақт хазон бўлган ҳаётига арзимайди. Давлат ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз фуқаролари ҳаётини муҳофаза қила олиши, унинг бойлиги нобуд бўлишига, ҳалол меҳнат билан топган уй-жойи сув ёки тупроқ остида қолишига йўл қўймаслиги керак. Бу ҳаммамизнинг, айниқса, ҳокимларнинг зиммасида турган энг масъулиятли вазифадир. Бепарволик, лоқайдлик оқибатида ана шундай ҳолатларга йўл қўйиш — Ватан, халқ олдидаги энг катта жиноятдир. Буни ҳамма теран англаб олмоғи шарт!

Вазирлар Маҳкамаси қарорини бажаришда нега сусткашликка йўл қўйилди? Нима учун омборлардаги ортиқча сувлар, то марказдан вакил бориб мажбур қилмагунича, вақтида оқизиб юборилмади? Нега оилаларни кўчки хавфи бор жойлардан кўчириш секин кечмоқда? Менимча, бу ҳолнинг сабаблари қуйидагилардан иборат, деди Ислом Каримов. Таассуфки, зиммасига улкан масъулият юкланган кўпгина шахслар бепарволик иллатидан ҳамон халос бўлолмаяпти. Кўпчиликнинг бирор фалокат рўй бериб, бошига бир мусибат тушганидан кейингина кўзи очилади. Ҳозир жойлардаги айрим раҳбарларда ҳамма масалани бировлар юқоридан келиб ечиб беради, деган кайфият пайдо бўлган. Ҳокимлар шуни тушуниб олиши керакки, ҳукумат ёки илмий муассасалар тавсия беради. Агар, сезгир бўлмаса, ана шу кўрсатмаларни вақтида бажармаса, бунинг оқибатида биронта одам ҳалок бўлса, бунинг учун ҳокимлар шахсан жавоб беради.

Иккинчи сабаб, бу — бизнинг сувга ўта кўзимиз очлигидир. Тўғри, сув айниқса бизнинг шароитимизда ҳаёт, демакдир. Чунки, республика ҳудудидаги сув заҳиралари қишлоқ хўжалиги эҳтиёжининг 70—75 фоизинигина қоплайди. Шунинг ҳатто оддий деҳқон учун учун ҳам бирор сув омборидаги ортиқча сувни чиқариб юбориш нафақат ҳоким, балки сув омбори бошлиғи, ғоят мушкул: ёзда нима қиламан деб ўйлайди. Шунинг учун бу масалани марказлашган ҳолда ҳал этиш, яъни тегишли вазирлик ва идоралар аниқ ҳисоб-китоблар асосида қайси сув омборида қанча сув сақланишини белгилаб бериши керак. Чунки ҳокимлар ҳам, деҳқонлар ҳам тоғда қанча қор борлигини, омборга қанча сув келиб қўшилишини аниқ билмайди.

Белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда тўғаноқ бўлаётган учинчи нарса, бу — масъулиятсизликдир. Одатда, биз бирор қарорни қабул қилаётганда шуни бажариш имкони борми, қўлингиздан келадими, деб сўраймиз, деди Ислом Каримов. Лекин кўпинча унинг ижросига келганда, турли баҳонаю сабаблар пайдо бўлади. Ҳолбуки, қабул қилинган қарор вақтида, тўла бажарилиши шарт.

Тўртинчи сабаб, бу — аҳоли ўртасида тушунтириш ишларининг яхши йўлга қўйилмаганидир. Яширишнинг ҳожати йўқ, одамларда «Бошга тушганини — кўз кўрар» деган кайфият бор. Бунга барҳам бериш лозим. Бундай одамларга, сизнинг, бола-чақаларингизнинг ҳаёти биз учун жуда азиз, деб айтиш керак.

Сел, тошқин ва кўчки хавфи мавжуд жойлардан одамлар нега кўчишни истамайди? Бу борада давлат суғурта идоралари қандай фаолият кўрсатяпти? Улар кўчадиганлар учун етарли даражада товон пули тўлаяптими? Бу масалаларни ҳам республика Молия вазирлиги пухта ўрганиб чиқиши ва ечимини топиши керак. Токи, яшаб турган жойини тарк этаётган ҳар бир оила бундан ҳеч қандай моддий зарар кўрмаслигига тўла ишонч ҳосил қилсин.

Аҳолини хавфсиз жойларга кўчиришни икки босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқдир, деди Президент Ислом Каримов. Биринчи босқичда кўчки, сел хавфи кетгунга қадар, одамларни тахминан 2 ойга вақтинча бошқа жойларга олиб чиқиб туриш лозим.

Иккинчи босқич эса муайян режа асосида, янги бунёд этиладиган шаҳар ва қишлоқларнинг заминини — тупроқ тузилишини, ер қатламлари таркибини пухта ўрганган ҳолда амалга оширилади. Умуман, бундан кейин ҳар бир иншоотни, турар жой биноларини бунёд этишда ана шу ҳолатларни инобатга олиш, олимларнинг, илмий муассасаларнинг хулосаларига таяниб иш кўриш қатъий қоидага айланиши зарур.

Мажлисда ҳозирги шароитда фуқаро мудофааси бўлинмаларининг фаолияти катта аҳамият касб этиши, улар бирор фалокат рўй беришини кутмасдан, унинг олдини олиш чораларини кўриши лозимлиги таъкидланди. Сел, тошқин ва кўчки хавфи мавжуд бўлган жойларга, қандай баҳона-сабаб бўлмасин, одамларни қўймаслик вазифаси топширилди.

Мажлисда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Мажлисда республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов, А. Возненко, Қ. Тўлаганов, М. Усмонов қатнашдилар.

**ЎзА.**

## МЕҲНАТКАШ МАНФААТДОР БЎЛСИН

Республика Президенти билан бўлган учрашув менга масъулият билан бирга кўтаринки кайфият бағишлади. Учрашувдан сўнг биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўламини белгилаб олдик.

Туманимиз аҳолисига хизмат кўрсатиш турлари кўнгилдагидек эмас. Бу соҳадаги ишларни яхши йўлга қўйиш кундалик дастуримизга айланди. Туман ҳудудида аҳоли эҳтиёжи учун керак бўлган нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини, маҳаллаларда кичик хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилиб, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳасида ҳар ойда 120 нафардан ортиқ янги иш ўринларини ташкил этяпмиз.

Туманда 132 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Эндиликда уларнинг ишига сунъий тўсиқлар қўйиб, турли кўрсатмалар берувчи кимсаларга шафқат қилинмайди. Фермерликни танлаган деҳқон меҳнат қилишни ҳам билади. Фақат уларга керакли экин майдонлари ажратиб берилса бўлгани. Ривожланган мамлакатларда иш айни ана шу усулда ташкил этилганини ўз кўзимиз билан кўриб қайтдик. Бу ҳақда Президентимиз билан бўлган учрашувда ҳам таъкидланди. Туманимизда фермер ва хўжаликлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Мақсад, фермер қарамоғидаги экин майдонларида ҳам алмашлаб экишни йўлга қўйиб, ер ҳосилдорлигини оширишдан иборат.

Президентимизнинг экинларни жойлаштириш тўғрисидаги кўрсатмаси катта аҳамиятга эга. Жорий йилда 2670 гектар майдонга ғалла экдик. Эндиги вазифа — уни ўз вақтида йиғиштириб олиш. Бунинг учун 15 та комбайн мавсумга тахт.

Иқтисодий ислоҳот фуқаролар турмуш шароитини яхшилаши муқаррар. Айни кунда туманимизда сутни қайта ишловчи замонавий дастгоҳлар ҳарид қилиш борасида иш олиб боряпмиз. Бу борада исроилликлар билан ҳамкорлик ўрнатамиз. Чунки ҳом ашёдан тайёр маҳсулот олишни йўлга қўймай туриб ишлаб чиқаришни ривожлантириб бўлмаслиги учрашувда яна бир бор уқтирилди.

Бельгияга қилган сафаримиздан бир олам таассурот билан қайтдим. Бельгияликлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашёни четдан ҳарид қилиб тайёр маҳсулотнинг асосий қисмини ҳорижга экспорт қилишар экан. Бизнинг ютуғимиз шундаки, хом ашё ўзимизда етарли. Фақатгина илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этсак, бу соҳада меҳнат қилаётганлар манфаатини қадрлай билсак, бас.

**Бароталн АБДУЛЛАЕВ,**
**Фарғона вилояти Фурқат тумани ҳокими.**

**(ЎзА).**

# ПОКЛИК ТИЛДАГИНА БЎЛМАЙДИ

Қадимда барча жиноий ишларни қозилар ажрим қилган. Қозиларнинг ягона «жиноят кодекси» — Қуръони Карим бўлиб, улар барча ишни дин ақидалари асосида тафтиш қилиб, оллоҳ номидан ҳукм чиқарган. Ислом аҳли қавмга энг тўғри, энг маърифатли йўлни кўрсатгани учун ҳам руҳонийлар аҳолининг энг мўътабар, эъзоздаги тоифаси ҳисобланган. Тарбия турлари ичида энг самаралиси ҳам диний тарбия бўлган...

Етмиш йилдан ошиқ давом этган коммунистик истибдод даврида динимиз «бадарға» қилинди, биз худодан юз ўгирдикми, худо биздан юз ўгирдими — нима бўлса ҳам, худосиз яшадик. Бунинг оқибатида тарихан қисқа муддат ичида маънавиятимиз қай даражада «бойигани» барчага маълум...

Худога беҳисоб шукрларким, мустақиллик туфайли жуда кўп қадриятларимиз, жуда катта маънавий бойлигимиз қаторида асосий бойлигимиз — «қувғин»да юрган динимиз ҳам «қайтиб» келди, худони қайтадан танидик ва яна беҳисоб шукрларким, худо ҳам бизни кечирди шекилли, бугунги кундаги аҳволимиз ёмон эмас...

Аммо, афсус ва надоматлар бўлғайким, истаган одам бемалол намоз ўқиш ва рўза тутиш имкониятига эга бўлган, кўплаб масжидлар қурилаётган, мадрасалар очилаётган, ҳайит кунлари ҳақиқий байрам қилинаётган, ҳаж сафарига отланганларга сафар шароити яратиб берилаётган бугунги кунимизда халқимиз ва динимиз шаънига мутлақо тўғри келмайдиган бир ҳодиса содир бўлди, яъни барчанинг эътиқоди ва эҳтиромида бўлган динимиз пешволаридан бир нечтаси қора курсига ўтирди. Бу ҳолни тасаввур қилиш ҳам, тасниф қилиш ҳам ниҳоятда оғир...

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Олий судида Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг бир неча ходими устидан қўзғатилган жиноий иш кўрилаётгани ҳақида хабар қилинган эди. Мана энди иш кўрилиб бўлди, суд ҳукми чиқди. Қанчалик оғир бўлмасин, сизни бу жиноятчилар, уларнинг фаолиятидаги айрим ўринлар билан таништиришга мажбурмиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати очиқ суд мажлисида раислик қилувчи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатининг раиси А. Ишметов, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари О. Рўзиев, А. Дўстбобоевлардан иборат таркибда, давлат айбловчиси — Тошкент шаҳар прокурори Э. Жўраев, ҳимоячилар, жамоат ҳимоячиси иштирокида Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси ходимлари — Муҳаммаднаби Миркомилов, Муҳаммадлатиф Жуманов, Миробид Мирмаҳмудов, Абдусаттор Муслимов, Зиёвуддин Жаҳонгировнинг жиноий иши кўриб чиқилди.

Жиноятчиларнинг айрим ишлари билан танишинг:

Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасида масжидлар бўлими ходими бўлиб ишлаган Муҳаммаднаби Миркомилов 1992 йил сентябридан бошлаб идоранинг чет эл валютаси бўйича хазиначиси лавозимини ҳам эгаллаб турган. У идорага тегишли 4400 АҚШ долларига 1992 йил октябрь ойида «ВАЗ-21061» маркали машина сотиб олиб, уни идора ҳисобига ўтказмасдан, ўз номига расмийлаштирган ва шахсий машина сифатида фойдаланган. Бундан ташқари, кичик корхона ҳадя этган 13000, туркиялик меҳмонлар масжид қуриш учун инъом қилган 60000, жами 73000 Америка долларини идоранинг «Ипак йўли» инновацион-тижорат банкидаги жорий ҳисобига топширмасдан, 1993 йил 12 июлга қадар ўз уйида яшириб келган.

Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасида **таълим** (таъкид бизники — А. А.) бўлими мудири лавозимида ишлаган Муҳаммадлатиф Жуманов хазина ҳисобидан 1900000 сўмга «ГАЗ-2410» маркали, 600000 сўмга «ВАЗ-21063» маркали машина сотиб олиб, биринчисини ўз номига, иккинчисини эса ўринбосари Миробид Мирмаҳмудов номига расмийлаштирган.

1990 йилдан 1993 йилгача идорада хазиначи бўлиб ишлаган Абдусаттор Муслимов 699526 сўм маблағни ўзлаштирган.

Идора бош ҳисобчиси Зиёвуддин Жаҳонгиров идора жуда кўп ташкилот ва хўжаликларга ўтказган катта миқдордаги маблағни қайтариб олиш тўғрисида бош қотирмаганидан ташқари, Москва саноат қурилиш банкига гўё Тожикистон учун ТУ-154 самолёти сотиб олишга 200000 Америка доллари ўтказган. Бу маблағ Россия Президентининг Фармонига биноан Ўзбекистон Республикасининг қарзи сифатида ушлаб қолинган.

М. Жуманов идоранинг 1300000 сўмига «ГАЗ-31029» маркали автомашина сотиб олиб, унинг ҳужжати ва калитини бир кишининг қўлига топширган (бу киши билан кейинроқ танишасиз)...

Булар жиноятчилар фаолиятининг суд жараёнида қайд этилган айрим кўринишлари, холос...

Суд ҳукмидан парча:

**«Суд судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитиб, иш материалларини текшириб чиқиб, прокурор ва ҳимоячиларнинг нутқларини тинглаб, қуйидагиларни**

**АНИҚЛАДИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15, 61 моддаларига кўра Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.**

**Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.**

**Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда улар қонун олдида тенгдирлар.**

**Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг 1992 йил 27 февралда бўлиб ўтган курултойида қабул қилинган Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси Низомининг 1, 6 моддаларига биноан мусулмонлар идораси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги бошқа қонунларга риоя қилган ҳолда олиб боради».**

Ҳукмда амалдаги қонунлар ва идора Низоми қоидалари қўпол равишда бузилганлиги туфайли шу жиноятлар содир этилгани кўрсатиб ўтилган.

Ҳукм ўқилди, қора курсида ўтирганларнинг хатти-ҳаракатларига муносиб баҳо берилди. Аммо, бутун суд жараёнида жиноятчилар қаторида қора курсида ўтирмаган бошқа бир кишининг исми шарифи тез-тез зикр этилиб турди. Барча ҳужжатларда ҳам ўша ном жуда кўп кўзга ташланади.

Бошқа бир ҳужжатдан парча:

**«АЖРИМ**

**Жиноий иш қўзғатиш, қидирув эълон қилиш ва қамоққа олиш ҳақида**

. . . . . . . .

. . . . . . . .

**Суд судланганлар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитиб, иш материалларини текшириб чиқиб, бундан ташқари қуйидагиларни**

**АНИҚЛАДИ:**

**Судланганлар айбли деб топилган барча жиноятлар Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг раиси лавозимида ишлаган собиқ муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ташкилотчилиги ва бевосита бошчилигида содир этилган бўлиб, унинг амалдаги қонунларга, диний идора низоми қоидаларига риоя этмасдан, уларни қўпол равишда бузиб, ходимларига ғайриқонуний топшириқ, кўрсатмалар бергани натижасида келиб чиққан...**

**...Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳнамолигида унинг самолёт сотиб олиш баҳонасида чиқарган ғайриқонуний буйруғига мувофиқ ХАЙРИЯ (таъкид бизники — А. А.) ишларига сарф қилиш учун чет давлатлардан келиб тушган валюта маблағларидан 200000 АҚШ доллари масжид-мадрасалар қуриш, уларни таъмирлаш, таълим-тарбия, вақф ва хайрия ишлари учун ишлатилмасдан, 1991 йил 21 декабрида идора ҳисобидан Москва саноат қурилиш банкига Тожикистон Республикаси мусулмонлари қозиёти учун ҚУРОЛ СОТИБ ОЛИШГА (таъкид бизники — А. А.) ўтказиб юборилган...**

**...Баён этилганларга кўра ва ҳозирги вақтда Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чет элга чиқиб кетгани, турар жойи номаълум эканини эътиборга олиб, жиноят процессуал кодексининг 169, 236-моддаларини қўллаб, суд**

**АЖРИМ ҚИЛАДИ:**

**1952 йилда Андижон вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Тошкент шаҳар, Уста Олим кўчаси, 28-уйда истиқомат қилиб келган Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфга нисбатан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 130-моддасининг 4-қисми ва 78-моддасининг 3-қисмида қайд қилинган жиноятларни содир этганини назарда тутиб жиноят иши қўзғатилсин.**

**Унга нисбатан қидирув эълон қилинсин ва ахтариб топилганидан кейин эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, қамоққа олинсин...»**

Бу сатрларни ўқиш сизга нақадар оғирлигини сезиб турибман, азиз газетхон. Бироқ, афсуски, начора, ҳодиса содир бўлган, энди минг кўз юмганимиз билан уни орқага қайтариб бўлмайди...

Юқорида «исми табаррук»лари келтирилган «зот» яқин-яқингача бу унвонга қўштирноқсиз мушарраф эдилар. Аммо, доно халқимизнинг «семизликни қўй кўтарар», деган мақоли ҳам бежиз туғилмаган экан. Мазкур «зот» ўзига кўрсатилган эҳтиром майидан сархуш бўлиб, ишончу ҳурмат юкини кўтаролмади шекилли, мусулмончиликнинг мезонларидан бири — қаноатни унутиб қўйди, асосий иши — қавмини иймону диёнатга чақириш ўрнига, шуҳрату мансаб кетидан қувиб, сиёсий найранг йўлига ўтди. Чунки, энди уни ҳозирги ҳурмату мартаба қаноатлантирмай қўйган эди. Маълумки, раҳмон йўлидан озган одам албатта шайтон йўлига киради. Халқни раҳмон йўлига бошлайдиган «зот» энди шайтоннинг қулига айланган, унинг: «Сен халқингга раҳнамо бўласан», деган васвасасидан бошқа нарсани эшитмас эди. Оқибатини, мана, кўриб турибсиз.

Республикамизда жиноятчиликка қарши катта кураш бошланган, бу кураш самарасини бераяпти, лекин, афсуски, жиноятчилик ҳали батамом тугагани йўқ. Бу — тушунарли ҳол, албатта. Чунки, ёмонлик илдизини бир кунда қуритиб бўлмаслигини барчамиз биламиз. Жиноят содир этаётганлар орасида турли тоифага мансуб кишилар бор. Аммо, сиз билан бизни поклик, ҳалолликка даъват этувчи дини ислом пешволарининг жиноят содир этиши... идрок этиш ўта мушкул бўлган ҳол.

Жиноятга яраша жазо берилади, етказилган моддий зарар ўрни қопланади. Бу — аниқ гап ва ҳал этилиши унча қийин бўлмаган масала. Бироқ, шу бир суд жараёнида аниқланган жиноий ишлар етказган маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш (агар қоплаб бўлса!) эса, ниҳоятда машаққатли, ҳали-бери битадиган иш эмас. Келинг, шу тўғрида салгина мулоҳаза юритайлик.

Шолининг ичида курмак ҳам ўсиши табиий. Бироқ, бу гап — шолизорни курмакзор деб аташ лозим, деган гап эмас. Тил ва дилда фақат худонинг номи зикр этилиши лозим бўлган муқаддас даргоҳга тўрт-бешта нафси ҳакалак отган одам жойлашиб олгани — бу муқаддас даргоҳ нуфузига салгина соя ташласа-да, асосий моҳиятга назаримизни ўзгартиролмайди. Кишини бошқа нарса ўйлантиради. Ўғрилик, фаҳш, қаллоблик билан кун ўтказадиган одамлар бор. Уларни «худодан қўрқмаганлар», деймиз. Улар ҳақиқатан ҳам худони билмайди ҳам, бинобарин, ундан қўрқмайди ҳам. Аммо, сизу бизни ҳар нафасда инсофга, мусулмончилик одатларига риоя қилишга, худодан қўрқишга чорлаб «амри маъруф» қиладиган одамларнинг ҳаромдан ҳазар қилмагани, ҳаром луқмани бошқа жойдан эмас, худонинг уйидан қидиришга худодан қўрқмаганига нима дейсиз?

Тожикистондаги бинодаркушлик уруши қўшни, биродар халқ тарихида қора доғ бўлиб қолади. Маълумотларга қараганда, бу урушда тожик халқи берган қурбон иккинчи жаҳон урушида берилган қурбондан анча кўп экан. Ҳали ҳам совуқ нафаси уфуриб турган бу урушни аслида ким бошлаганини биламиз. Урушаётганларни сулҳга чақирадиган, ўз номи билан тинчлик бўлган дини ислом вакили, ҳатто чумолига ҳам озор бермаслиги лозим, лекин юз минглаб миллатдошларининг қони тўкилишидан сесканмаган, бугунги кунда ҳорижда айшини суриб юрса ҳам, ҳамон қон ҳидини соғинаётган бу «зот»нинг исми шарифлари ҳам барчага аён — Акбар Тўражонзода. Президентимиз Тожикистонда вазият кескинлаша бошлаганиданоқ ташвишга тушгани, бу вазиятни юмшатишга урингани, хунхўрлик бошланганидан бери эса, бу мудҳиш оловни ўчириш мақсадида жон куйдираётгани, БМТ Бош котибига бир неча марталаб мурожаат қилгани, ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб шу хусусда бонг ургани ҳолда, республикамизнинг аҳли мусулмони сиғинадиган муқаддас даргоҳ пешволари бу уруш оловини «пуф»лашга кўмаклашганини ким шуурига сиғдира олади? Масжид-мадрасалар қуриш, уларни таъмирлаш, **таълим-тарбия, вақф** ва **хайрия** ишларига сарф қилиш учун **ҳадя** қилинган 200000 америка доллари **қон тўкиш** учун ишлатишга инъом қилинганини инсон зотига қандай тушунтириб бўлади? «Жиноят» сўзи бу ишга баҳо бўлолмайди. Буни фақатгина **қабоҳат** деб аташ лозим эмасми?

Ва ниҳоят. Бу қилмишлардан огоҳ бўлган оддий мусулмон фуқарода умуман дини исломга нисбатан қандай фикр уйғонади? Бу қилмишлар олдида етмиш йилдан ошиқ давр мобайнида олиб борилган атеистик тарбия ҳеч нарса бўлиб қолмайдими?

Назаримда, содир этилган жиноят ҳам, ўзлаштирилган маблағ ҳам, моддий зарар ҳам бу **маънавий зилзила** оқибатида ҳосил бўлган **маънавий ўпқон** олдида бўлак-бўлак қилиб ташланган тана қаршисидаги бир эмлаш билан битиб кетадиган жароҳатга ўхшаб қолади.

Халқимизда: «Тили билан дили бир», деган сифат бор. Бу — асл инсон, асл мусулмоннинг сифати. Дилдаги нарса тилга чиққан тақдирдагина бу бирлик пайдо бўлади. Дилида бошқа нияту тилида ўзга гап бўлган инсон эса, мунофиқ ҳисобланади. Мунофиқлик исломда кофирликдан ҳам ёмон баҳоланади...

Шу ўринда барча диндорлар, диний идора раҳбарларидан узр сўраган ҳолда битта мулоҳазани ўртага ташлашни лозим топдик. Маълумки, асов дарё ўзини у қирғоқдан бу қирғоққа уриб оқади. Орада қанча жойларни ўпириб ҳам кетади. Шунинг учун унинг лойқа сувини ичиш қийин бўлади. Ўзанига борганидан кейингина ўзи ҳам тинчланади, суви ҳам тинийди. Ёшлик ҳам асов дарёдай гап. У ўзанига етгунига қадар анча-мунча номақбул ишларни қилиб қўйиши мумкин. Шундай экан, мусулмон фуқароларимизнинг энг эътиборли даргоҳи бўлмиш диний идораларга ҳам кўпни кўрган, оқ-қорани таниган, муҳтарам оқсоқоллардан етакчи сайлаш мақсадга мувофиқ бўлмасмикан?

Бу ердаги кичик «балиқча»лар тўрга илинди-ю, уларнинг илҳомчиси, фатводори бўлган акула хорижга қочиб, жазодан қутулиб қолдими? Менимча, бундай деб бўлмайди. Ҳеч бир ҳодиса мантиқдан ташқарида юз бермайди. Жиноятнинг моддий ва маънавий томонлари тилга олинди. Жазо ҳам айнан шу тариқа — икки хил, яъни, моддий ва маънавий бўлади. Маънавий ва моддий жазони асло тарози паллаларига солиб бўлмайди. Маънавий жазо юки босиб кетади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бу мудҳиш ишларнинг бошида турган раҳнамони худонинг ўзи жазолаб қўйганига имон келтирамиз. Чунки, юртдан айри тушиб, халқнинг нафратига учраб яшашдан оғир жазо бўлмайди бандаси учун!

Хуллас, бу хунук ҳодиса барчамизнинг кўзимизни очсин, дил бошқа-ю тил бошқа бўлиши, поклик тилдагина бўлганида не оқибатларга олиб келишидан ҳар қайсимиз ўзимизга хулоса чиқариб олайлик, Оллоҳ таоло ҳеч бир бандасининг пешонасига бундай тақдирни ёзмасин!

**А. АЛИЕВ.**

